



## БАНКЛАРНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОН БАНКИНГ ВА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ ЗАРУРЛИГИ

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss1/a5](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a5)

*Асқаров Сарвар Анвар ўғли -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
таянч докторанти*

**Аннотация:** Мақолада электрон банкинг, интернет банкинг, мобил банкинг, рақамли ёрдамчилар, FinTechs, иловалар ва молиявий ташкилотларнинг замонавий молия бозорларида бошқа молиявий хизмат турлари ҳамда улар орқали чакана банк хизматларини амалга оширишин ривожлантириши масалалари ўрганилган. Банкларни рақамли трансформация қилиш шароитида чакана банк хизматларини ривожлантириши FinTechs нинг зарурлиги ҳақида иқтисодчи олимлар фикр-мулоҳазалари ҳамда замонавий FinTechs асосида чакана банк хизматларини ривожлантириш бўйича муаллиф ёндашувлари ва фикрлари келтирилган.

**Таянч сўзлар:** Чакана банк хизматлари, FinTechs, электрон банкинг, интернет банкинг, мобил банкинг, рақамли ёрдамчилар, иловалар.

## НЕОБХОДИМОСТЬ ЭЛЕКТРОННЫХ БАНКОВСКИХ И ФИНАНСОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ РОЗНИЧНЫХ БАНКОВСКИХ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ БАНКОВ

*Асқаров Сарвар Анвар угли -  
Базовый докторант Ташкентского  
государственного экономического университета*

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы электронного банкинга, интернет-банкинга, мобилного банкинга, цифровых помощников, FinTechs, приложений и других видов финансовых услуг на современных финансовых рынках финансовых учреждений и развития розничных банковских услуг через них. Представлены мнения экономистов о необходимости FinTechs в развитии розничных банковских услуг в условиях цифровой трансформации банков, а также авторские подходы и взгляды на развитие розничных банковских услуг на базе современных FinTechs.

**Ключевые слова:** Розничные банковские услуги, FinTechs, электронный банкинг, интернет-банкинг, мобилный банкинг, цифровые помощники, приложения.

## THE NEED FOR ELECTRONIC BANKING AND FINANCIAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF RETAIL BANKING SERVICES IN THE CONTEXT OF DIGITAL TRANSFORMATION OF BANKS

*Askarov Sarvar Anvar oglu -  
Basic doctoral student of Tashkent  
State University of Economics*

**Annotation:** The article examines the issues of e-banking, internet banking, mobile banking, digital assistants, FinTechs, applications and other types of financial services in modern financial markets of financial institutions and the development of retail banking services through them. The opinions of economists on the need for FinTechs in the development of retail banking services in the context of digital transformation of banks, as well as the author's approaches and views on the development of retail banking services on the basis of modern FinTechs are presented.

**Keywords:** Retail banking services, FinTechs, electronic banking, internet banking, mobile banking, digital assistants, applications.

**Кириш.** Бугунги кунда Ўзбекистонда банкларнинг рақобат муҳитида тижорат банкларининг аҳолига замонавий банк хизматларини кўрсатиш аҳамияти ортиб бормоқда. Шу ўринда хизматлар бозорининг энг жадал ривожланаётган сегменти, яъни чакана банк хизматларидир. Чакана банк хизматлари сифати ва қўламини ошириш мақсадида, мижозларга тезкор ва қулай хизмат турларини таклиф этиб келмоқда. Хусусан, банкларда рақамли инновацияларни кўллаган ҳолда банкларга мижозлари ташрифини камайтириш учун ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизимларини янада оммалаштириш

мақсадида республика бўйлаб барча худудларда 24/7 режимда ишловчи "Автоматлаштирилган тўлов марказ"лари жорий этилиб, уларда миллий ва хорижий валютада хизмат кўрсатувчи банкоматлар, тўлов терминаллари ва инфокиосклар ўрнатилган.

Банк хизматлари бозори ривожланиши баробарида чакана банк хизматларини рақамлаштириш ва масофадан кўрсатиш турлари (электрон банкинг) жорий этила бошлади. Электрон банкинг бир қанча таъминот каналларидан иборат юқори тартибдаги қурилмадир. Шуни таъкидлаш жоизки, гарчи бизнинг даври-

мизда электрон банкингнинг умумий тури банк ишини интернет орқали амалга ошириш, бошқача сўз билан айтганда интернет банкинг бўлсада электрон банкинг интернет орқали банк ишини юритишдан кўра каттароқ платформадир.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Электрон банкинг атамаси турли йўллар билан изоҳланиши мумкин. Энг соддаси шундан иборатки, банк томонидан унинг мижозларига компьютер, маҳсус телевизор, телефон, мобил алоқа воситаси орқали[6], маълумот ва хизматларнинг тақдим этилиши, масалан, молиявий транзакцияларни тайёрлаш, бошқариш ва назорат қилиш мақсадида банк ва мижоз ўргасида электрон боғланишидир. Интернет банкинг мижозларга банк ҳисобварақларига кириш ва банк ўтказмаларини бажаришга имконият беради. Интернет банкингнинг илк босқичлари транзакцион онлайн банкинг деб аталган, чунки у ҳисобварақларга кириш, фондларни ўтказиш, молиявий хизмат ва маҳсулотларни сотиб олиш каби воситаларнинг таъминотини ўз ичига олади[14]. Кўпчилик адабиётларда интернет банкинг ва электрон банкинг битта тушунчалар сифатида келтирилади. Ҳозирги кунда инернет банкинг электрон банкингнинг энг муҳим каналларидан бири саналади. Интернет банкинг мижозларга уларнинг банкидан ва банк транзакцияларини ўзида ифодаловчи ҳисобрақамдан фойдаланиш имконини беради.

Бундан ташқари, электрон банкинг турли хил учта етказиб бериш воситаларига эга: телефон, шахсий компьютер ва интернет. Масалан, Elizabeth Daniel электрон банкингнинг тўртта турли хил каналлари мавжудлигини айтган: РС банкинг, Интернет банкинг, бошқариладиган тармоқ ва телебанкинг.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, РС банкинг, Home банкинг ва Банк мижоз дастури асосидаги хизмат интернет банкингдан фарқ қиласди. Биринчидан, интернет банкинг браузерга асосланган, РС банкинг, Home банкинг ва Банк-мижоз эса мижоздан шахсий компьютерига банк томонидан белгиланган дастурий таъминотни ўрнатиши зарур. Шунингдек унинг ишлаш жараёни банк фаолияти жараёни билан боғлиқ бўлганлиги учун унинг бир суткада 24 соат, бир ҳафтада 7 кун, бир йилда 365 кун узлуксиз ишлашини яратиб бера олмайди, у банкинг иш вақтларига боғлиқ бўлади. Шунингдек ўрнатилаган дастурий таъминот шу дастур билан ишлай оладиган ва ўрнатилган компьютер бўлишини таълаб қиласди, РС банкинг, Home банкинг Intuit, Inc.ning Quicken ва Microsoft Corp.ning "Money" каби дастурий пакетини талаб қиласди. Heikki Karjaluoто талқинига кўра, банк фаолиятида асосий электрон таъми-

нот канали - бу шахсий компьютер орқали кира оладиган интернетдир[7].

Бугунги кунда телефон банкинг, телебанкинг, бошқариладиган тармоқ банк фаолиятида жуда катта роль ўйнамайди. Таъминот платформасининг интернеттага кабель орқали боғланмаларидан кабелсиз мобил технологияларига алмашиши давом этмоқда. Шунинг учун, Wah электрон банкинг компьютер экранларда бўлиши шарт эмаслигини таъкидлаб ўтган[17].

Интернет банкинг юпқа экранли мобил воситалари ёки бошқа кабелсиз воситаларда амалга оширилиши мумкин. Ушбу симсиз илова журналлари орқали мижоз банк ҳисобварағи ҳақида маълумот олиш ва ўтказмалар тарихини кўра олиши, қимматли қофозларни сотиб олиши ёки сотиши учун талабнома бериши, тўловларни амалга ошириши, банкка электрон почта орқали хабар жўнатиши мумкин.

Электрон банкинг кўплаб ривожланган малакатларда замонавий таъминот канали бўлиб у банк хизматлари бозорида сезиларли таъсирга эга. Nehmzow C. фикрига кўра интернет банкинг молиявий хизматлар секторда анаънавий иштирокчиларга уларнинг кўплаб турли хил хизматларни арzon таъминот каналларини қўшиш учун имконият яратади[15]. Шунингдек, у қўшимчи қилиб, интернет банкинг анаънавий банкларнинг бозор улушкига хавф солади, чунки Анаънавий банк филиаллари тармоғига эга бўлишда уларнинг рақобатбардош афзаликларини йўққа чиқаради.

Айниқса банклар мижозларининг сони ошиши ва мижозлари худудий чегарасининг кенгайиши натижасида банклар филиаллари сонини ошириш қўп харажатлар билан боғлиқ бўлганлиги учун, мижозларига замонавий молиявий технологиялар имкониятларидан фойдаланиб масофадан банк хизматларини кўрсатишни талаб этади ҳамда ортиқча куч ва харажатларсиз мижозлар сонини ва худудий чегарасини ошириб бориш имкониятига эга бўлади[11].

**Тадқиқот методологияси.** Илмий ишни амалга оширишда электрон банкинг, интернет банкинг, мобил банкинг, рақамли ёрдамчилар, FinTechs, иловалар ва молиявий ташкилотларнинг замонавий молия бозорларидағи бошқа молиявий хизмат турлари асосида чакана банк хизматларини ривожлантириш борасидаги иқтисодчи олимлар ва соҳа вакилларининг фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) жадал ўсиши

ва ривожланиши компанияларга рақамли мұхитда қиймат яратиш имконини берди[16]. Ҳозирги вақтда ташкилот стратегиясида инновацияларни жорий қилиш ва құллаш қиймат яратышнинг мұхим талабидир. Шундай қилиб, рақамли даврда қиймат яратиш компания ва міжозлари ўртасида биргалиқда яратылмоқда[8]. Интернет ва технологик ривожланиш молиявий хизматларни таклиф қилиш ва улардан фойдаланыш усуулларини кескин ўзгартырди[10].

Банклар ва күплаб молия институтлари рақобатдош устунликни сақлаб қолиш ва ми-

жозларнинг талабларини қондириш учун муқобил инновацион электрон каналларни таклиф қилишади. Мобил қурилмалар ҳамда замонавий АКТ тобора күпроқ міжозлар маңсулот ва хизматлар учун тұловларни электрон банкинг орқали амалга оширадиган воситаларга айланды[18]. Шу сабабли, электрон банкинг күплаб молиявий ташкилоттар ва міжозлар учун ахамияти ортиб бормоқда.

Қуйидаги жадвалда электрон банкинг учун турли хил платформалар келтирилди.

## 1-жадвал

### Электрон банкинг учун замонавий платформалар

Платформа турлари	Изоҳ
Мобил банкинг (SMS, WAP, замонавий смартфонлар)	Хисобвақыларга кириш SMS матн хабарлари, WAP интернет алоқаси ёки юқори тезликка эга замонавий смартфонлар орқали амалга оширилади.
Рақамли ёрдамчилар	Ботлар, овозли қурилмалар ва бошқа қурилмалар имкониялари орқали банк хизматларини амалга ошириш
FinTechs ва иловалар	Молиявий технологиялар ва түрли иловалар орқали чакана банк хизматларини күрсатышнинг автоматлаштирилган тизимлари ва мобил телефонлар орқали амалга оширилувчи дастурий таъминотлар
Интернет банкинг	Банк билан алоқа интернет орқали амалга оширилади

**Манба:** Интернет мағлумотлари асосида мұаллиф томонидан тузилген.

Бугунги кунда масофавий банк хизматлари орасида мобил банкинг хизматында бўлган талаб юқоридир. Чунки, мобил банкинг интернет банкинг сингари деярли барча қулайликларга эга, фақат бунда мобил телефон банк ҳисобрақамини бошқариш воситаси сифатида хизмат қиласи. Ундан ташқари интернет-банкингга нисбатан күплаб қулайликларга эга.

Мобил технологиялар күплаб соҳани ўзгартырди, аммо молиявий хизматлар каби чуқур эмас. Мобил иловалар миллионлаб банк міжозлари учун ўз маблағларини бошқариш учун қуай алоқа нұқтасига айланди. Банкларда кутишлар ортиб бораётганлиги сабабли, банклар міжозлар еҳтиёжлари асосида мобил иловаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш кераклигини билишади. Банклар молиявий секторда ишлайдиган FinTech мұхандислари ва менежерлари олдинга банк технологияларига инновацияларни киритишлари керак [12].

Банкларда мобил банкинг хизматлари орқали чакана тұловлар амалга ошириш учун ахолига фақатгина қўлидаги смартфони ва мобил иловани юклаб олиш етарли бўлади.

Мобил банкинг - бу мобил қурилмада (уали телефон, планшет ва бошқалар) молиявий операцияларни амалга ошириш тизими. Мобил банкинг афзалликлари орасида смартфонинг инсонлардан ажралмайдиган восита эканлиги, бу митти воситанинг мобилни эканлиги, исталған жойда ва исталған вақтда банк ўтказмаларини амалга ошириш имкониятини яратади. Камчиликлари эса ҳавфсизликдаги айрим мұам-

моли жиҳатлари ва компьютерда билан амалларни бажаришда бироз чекланган имкониятларга эга.

Банклар ва бошқа молия институтлари ўз міжозларига смартфон ва мобил қурилмалардан фойдаланган ҳолда бизнес операцияларини бошқариш имконини яратди. Мобил банкинг интернет-банкингдан фарқ қиласи, чунки интернет-банкинг интернет-браузер дастуридан фойдаланади, мобил банкинг эса иловалардан фойдаланади. Сўнгти пайтларда смартфонлар одамларнинг кундалик ҳаётида мұхим рол ўйнамоқда. Смартфон технологиялари доимий рашишда ривожланиб борар экан, Осиё мамлакатларида молиявий хизматлар ва мобил тижорат учун мобил банкингга талаб ортиб бормоқда[1].

J. Zhang мобил банкинг хизматларидан бири бўлган мобил тұловни ўрганган. Мобил тұлов анъанавий тұлов усуулларини рақамли тұлов усуулларига айлантириди. Тадқиқотчилар интерфейс дизайни хусусиятларини идрок этиш каби ҳаётий омиллар мавжудлигини таъкидладилар [19].

Мобил банкинг 1999 йилда мобил веб-хизматларни жорий этилишидан олдин, мобил банкинг асосан матн ёки СМС орқали бажарилган ва у СМС банкинг сифатида танилган. Кейинчалик Европа банклари WAPни қўллаб-куватлаши орқали мобил интернетдан фойдаланган ҳолда мобил банкинг хизматларини таклиф этди.

СМС банкинг 2010 йилгача энг машхур мобил банкинг маңсулотлари эди. iOS ва андроид

операцион тизимларига эга смартфонлар ишлаб чиқилиши билан мобил банкинг (иловалари) ривожлана бошлади. Мижозлар янада мураккаб интерфейслар, яхшиланган транзакция қобилятлари ва қулай навигацияларга эга смартфонларига банк иловаларини юклаб олишлари мумкин бўлди.

Хўш, нега анъанавий банклар бугунги кунга келиб мизожлари талабига жавоб берса олмаяпти? Бунинг асосий сабаби шундаки, мижозлар ўз банки тажрибасидан норози. FinTech компаниялари чакана банклар томонидан қолдирилган ушбу бўшлиққа қадам қўймоқдалар ва мижозларнинг талабига катта эътибор қаратмоқдалар, самарали ва шахсийлаштирилган хизмат кўрсатишига эътибор қаратмоқда.

CNBC (Америка пуллик телевизион бизнес янгиликлар канали) маълумотларига кўра, 2020 йил апрель ойи бошидан бўён мобил банкинг 85 фоизга ошди ва кўплаб эксперталар бу ўсиш сақланиб қолиши мумкинлигини тахмин қилмоқда. Мобил банкинг мижозларга кўплаб афзалликларни тақдим этади, энг муҳими тизимдан фойдаланиш қулаги гидир. Банк филиалларида навбат кутишнинг ўрнига, мижозлар ўз пулларига деярли исталган жойдан киришлари ва бошқаришлари мумкин бўлмоқда[20].

Бугунги кунда банкларни рақамли трансформация қилиш шароитида мижозлар ҳам ўзларининг молиявий хизматларини амалга оширишда рақамли алоқани маъқул кўрмоқда. COVID-19 банк ҳизматларини рақамли каналлар орқали амалга ошириш жараёнларини янада тезлаштириди. Масалан, пандемия бошланганидан бери мижозларнинг 35 фоизи онлайн-банкингдан фойдалана бошлади.

Ушбу эволюция натижасида банк мижозларининг ҳохишлари ҳам ўзгарди ва энди улар узлуксиз, тезкор ва масофадан амалга ошириш мумкин бўлган платформаларни танлашмоқда.

Молиявий институтлар ўз мижозларини жалб қилиш ва сақлаб қолиш учун ўз хизматларини замонавий банк технологиялари ва дастурларини кучайтиришни талаб этмоқда. Ўз мижозлари билан мавжуд ишончли муносабатлар сақлаб қолиш учун хизмат кўрсатишининг янги усулларига бўлган эҳтиёжни қондира оладиган рақамли технологияларни қидирмоқда. Айтиш керакки, мижозларнинг молиявий саводхонлиги ортиб, тижорат банклар таклиф этаётган молиявий хизматларни фарқлашда ҳақиқий мутахассисга айланиб бормоқда.

Кўпгина молиявий ташкилотлар мижозлар талабларини қондирисх учун чатботларни ишлаб чиқса-да, бироз узоқни ўйлайдиган ташкилотлар ўзларининг рақамли ёрдамчиларини яратиш орқали кейинги қадамни қўйишаётганини кўришимиз мумкин. Бунга KBC's Kate ва

Bank of America's Ericalarни мисол келтириш мумкин.

NCR Digital Banking президенти Даг Браунинг табирича, банк соҳасида рақамли ёрдамчилар ва овозли алоқалар замонавий маҳсулот ва хизматларнинг асосий омилига айланмоқда. Браунинг прогноз қилишича, бугунги кунда биз истеъмолчиларга ўз молиявий аҳволи ҳақида яхшироқ маълумотга эга бўлишга ёрдам бериш учун рақамли, визуал ва оғзаки сигналларни бирлаштирган "телебанк" кескин ривожланади.

Браун рақамли/овозли каналлар орқали янги истеъмолчиларни жалб қилиш учун муҳим яшил майдон мавжудлигини қўшимча қилди. Пандемия даврида кундалик банк ишларини бажариш учун рақамли ёрдамчиларни ишлатиш концепцияси ривожланди. Ишчи кучи танқислиги ва филиалларнинг ёпилиши тўлқини, тўлибтошган Call марказларга мурожаатлар бўлган даврда, барчамизга оғзаки кўрсатма ва оғзаки буйруқлар орқали менюларни бошқариш имконияти яратилди.

Рақамли ёрдамчилар мижозларга жуда қулий бўлишидан ташқари, рақамли ёрдамчилар натижасида қайсиdir харажатлар ошса-да даромад келтирадиган жиҳатларга ҳам эга. Рақамли ёрдамчиларнинг афзалликлари мижозларни кўллаб-куватлаш, Call марказлар, автоматлаштирилган савдо ва турли маслаҳатларга бўлган талабни камайиши билан таъминланади.

Тарихий жиҳатдан "Financial technology (молиявий технология)" молия соҳасидаги бир нечта янгиликларни тавсифлаш учун ишлатилган. Бугунги "FinTech" истеъмолчилар анъанавий равища банкларга мурожаат қиладиган молиявий фаолиятни тартибга солувчи технологиилар - масалан, жамғарма, инвестиция қилиш, тўловларни амалга ошириш ва бошқаларга қаратилган.

2008 йилги жаҳон молиявий инқирози молиявий технология (FinTech) ва тартибга солиш технологияси (RegTech) ривожланишининг янги ҳозирги парадигмасига ўтиш даври бўлди. Бугунги кунда FinTech молиявий хизматлар бозорини кескин ўзгarterиб ташлаган IT ва электрон тижорат фирмалари каби стартаплар ва бошқа янги иштирокчиларнинг кўпайиши билан ажralиб турадиган жадал ривожланиш босқичига кирди. Ушбу янги давр регуляторлар учун янги муаммоларни келтириб чиқаради ва нима учун FinTech эволюцияси Reg Techни параллел равища ривожлантириш зарурлигини талаб этади. Хусусан, тартибга солиш технологиялар (Reg Tech) молия бозор ишончини рагбатлантирадиган инновациялар ва стартапларни жорий этган ҳолда бугунги кун талабига жавоб берадиган ишланмаларни таклиф этиш ло-

зим. Бугунги қунда RegTech нинг баъзи ишланмалари молиявий тартибга солишининг моҳиятини қайта консепциялаш билан ажралиб турало-

диган яна бир парадигма ўзгариши сари йўлни таъкидламоқда.

## 2-жадвал

### FinTech нинг ривожланиш босқичлари

Йиллар	1866-1967	1968-2008	2009-ҳозирги вақтгача	
давр	FinTech 1.0	FinTech 2.0	FinTech 3.0	FinTech 3.5
Ривожланиш кўлами	глобал	глобал	глобал	дунё бўйлаб ривожланмоқда
Асосий ривожланиши	инфратузилма	банклар	стартаплар (барча соҳада)	
Вужудга келиш сабаби	глобализация	технология	2008 йилдаги молиявий инқизор	Бозор ислоҳати ва трансформациялашуви

**Манба:** Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиљди.

FinTech янги тушунча эмас. FinTech атамаси 1990-йилларнинг бошларида кузатилган [13] ва ҳозирда молиявий хизматлар тез ривожланаётган эволюцион жараёндир[4]. 2014 йилда тартибга солувчилар, саноат иштирокчилари, истеъмолчилар ва илмий тадқиқотчилар эътиборини жалб қила бошлади.

FinTech эволюцияси уч босқичдан иборат бўлиб, биринчиси, FinTech 1.0 деб аталиб, 1866 йилдан 1967 йилгacha бўлган даврда, молиявий хизматлар саноати технология билан қаттиқ боғланган бўлишига қарамай, асосан улар аналог бўлиб қолган эди. Кейинги давр, FinTech 2.0, 1968 йилдан 2008 йилгacha бўлган даврда, бу давр алоқа ва транзакциялар учун рақамли технологияларнинг ривожланиши ва шу тариқа молияни рақамлаштиришнинг кучайиши билан тавсифланади.

2009 йилдан бошлаб ҳозиргача, Fin Tech 3.0 ва Fin Tech 3.5 деб аталади, бу даврда янги

стартаплар ва ташкил этилган технология, электрон тижорат ва ижтимоий медиа компаниялари молиявий маҳсулотлар ва хизматларни бевосита жамоатчиликка, шунингдек, бизнесга, шу жумладан банкларга етказиб беришни бошлади[5]. Банк хизматлари замонавий Fin Tech лар асосида трансформациялашув жараёнини бошдан кечирмоқда.

Аксарият ҳолларда Fin Tech бу имкониятларни истеъмолчиларга бошқа одам аралашмасдан тақдим этади. Шундай қилиб, FinTech стартаплари анъанавий банклар ва рақамли банклар ўртасида хизматлар тақдим етиш орқали рақобатни тақдим этади. Натижада фойдаланувчилар тажрибасини яхшилайди ва харажатларни камайтиришга хизмат қиласди.

Борган сари бу янги имкониятлар ноодатий мижозларга ҳам, айниқса, кексаларга ҳам молия соҳасида иштирок этишни осонлаштирумоқда.

## 3-жадвал

### Молиявий ташкилотларнинг замонавий молия бозорларидағи молиявий хизмат турлари

№	FinTech соҳалари	Тавсиф
1.	Кредитлаш (Lending)	Бозорда кредитлаш ва муқобил андеррайтинг платформалари
2.	Blockchain / Crypto	Молиявий хизматларда блокчейн технологияларидан фойдаланадиган компаниялар
3.	Regtech	Аудит. Риск ва уларни тартибга солувчи қоидаларга мувофиқлик дастурий таъминоти
4.	Суғурта	Суғуртани рақамли равишда сотадиган ёки (қайта) суғурталовчилар учун маълумотлар таҳлили ва дастурий таъминотни тақдим етувчи компаниялар
5.	Шахсий молия (Personal finance)	Ҳисоб-китобларни бошқариш ва шахсий бойлик ёки кредит ҳисобларини кузатиш воситалари
6.	Тўлов (Payment / Billing)	Тўловларни қайта ишлаш, карта ишлаб чиқувчилари ва обуна ҳисоб-китоблари учун дастурий воситалар.
7.	Капитал бозорлари	Молиявий институтлар учун савдо, таҳлил ва инфратузилма воситалари.
8.	Бойликни бошқариш (Wealth management)	Инвестицион ва бойликни бошқариш платформалари ва таҳлил воситалари.
9.	Пул ўтказмалари	Халқаро пул ўтказмалари
10.	Ипотека (Кўчмас мулк)	Ипотека кредитлаш, рақамлаштириш ва молиялаштириш платформалари.

**Манба:** Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиљди.

Regtech иловалари молиявий хизмат кўрсатувчи фирмаларга мураккаб мувофиқлик талабларини соддалаштиришга ёрдам беради, шу-

нинг учун улар мобил илова фойдаланувчилари учун ризк даражасини минималлаштириш, харажатларни камайтириш, транзакцияларни тар-

тибга солишига ва молиявий технологияларни яхшироқ мониторинг қилишга ёрдам беради.

Regtech бозори 2020 йилдаги 6,3 миллиард долларни ташкил этган бўлса 2025 йилга келиб 16 миллиард долларгача ўсиши кутиломоқда.

FinTech мижозларга хизмат кўрсатишни тартибга солади, мижозларга хизмат кўрсатишдаги тўсиқларни йўқ қиласди, бугунги кунда кўплаб банклар бу билан курашмоқда. Аслида, мижозларга ёмон хизмат кўрсатилганда истеъмолчилар банкларни, шу жумладан, биринчи навбатда анъанавий банкларни тарк этиши асосий сабабидир.

Анаънавий банкларнинг йўқолиб кетиши хақида бир қанча мунозаралар мавжуд. Келгусидаги интернет банкингнинг ҳам ҳозиргисига нисбатан такомиллашиши ва кескин ўзгарган ҳолда фарқ қилиши мумкин. Интернет банкингнинг оммалашиб кетиши натижасида анаънавий банк филиаллари ва минибанкларининг аҳамиятини йўқотиб боришини тасаввур қилиш мумкин. Масалан, Wah фикрича анъанавий банк филиаллари тармоғи келажакда ҳам амал қиласда, замонавий технологиялар уларнинг банк хизматлари соҳасидаги фаолиятини янги даражага олиб чиқади. Ушбу технологиядан анъанавий банклар катта фойда кўради, мижозлар учун янада самаралироқ қулайликлар яратади деб хulosалайди. Шунингдек, у интернет банкинг мижозлар учун катта рол ўйнашини таъкидлайди[17].

Интернет - банкинг, ўз номидан келиб чиққан ҳолда маълумотни интернет орқали узатишга асосланган банк хизматидир. У интернет тармоғи орқали банк томонидан хизматларни таништириш, кредит аризаларни қабул қилиш, ҳисобварақ балансига сўровномаларни қабул қилиш, тўловларни ўтказишга талабномаларни қабул қилишни англатади. Интернет банкинг мижозлар ва банклар учун фойдали бўлишни назарда тутувчи “Бир қадамлик хизмат ва информацион бирлик” ғоясидан ривожланиб келган. Дунёнинг илк виртуал банки “Security First Network Bank”ининг президенти ва бош операцион инспектори Michael Karlin фикрига кўра интернет банкинг ғояси қўйидагилардан иборат:

- мижоз хеч қандай информацион маълумот ёки дастурий таъминот сотиб олиши ёки компьютерига ўрнатиши шарт эмас, барча транзакциялар интернет инфратузилмаси орқали банк сервери орқали бажарилиши лозим;

- мижоз банк хизматларидан компьютер ва модем бўлган исталган жойда (уида,офисда, шаҳар ташқарисида) фойдалана олиши мумкин;

- мижоз банк хизматлардан бир кунда 24 соат, бир хафтада 7 кун, бир йилда 365 кун фой-

далана олиши мумкин. Мижоз банк томонидан тақдим этилган маълумотларни ёки терминал проводкаларини ва чекларини текшириши шарт эмас [3].

Интернет банкинг тијорат банкларига, мижозларга, шунингдек, жамиятга қатор имкониятлар беради. Банклар учун интернет банкингнинг манфаати бу харажатларни камайтириш, аҳолининг янги қатламларини - янги мижозларни топиш, самараదорлик, банк репутациясини ошириш ҳамда мижозларга сифатли ва қониқарли хизмат кўрсатишдир [9].

Booz-Allen ва Hamilton томонидан ўтказилган глобал тадқиқотга кўра ихтисослаштирилган интернет банкингнинг ташкил этиш 1-2 миллион АҚШ доллари талаб этади, бу филиаллар тармоғини очиш ва юритишдан арzonроқ. Анъанавий банк филиалини юритиш учун харажатлари даромадларининг 50%-60% ташкил этади, интернет банкингни юритиш учун харажатлари даромадларининг 15%-20% ташкил этилиши ҳисоблаб чиқилган[2]. Бу эса интернет банкингнинг қанчалик банклар учун фойдали эканлигидан далолат беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Сўнгги пайтларда йирик корпоратив мижозларни жалб қилиш бўйича банклар ўртасидаги рақобат кучайган бўлиб, чакана банк хизматлари бозори банк даромади ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг истиқболли йўналишлардан бирига айланмоқда. Айни пайтда, банк хизматлари бозорида чакана хизматлар алоҳида ўрин тутиб, улар асосан аҳолининг молия-банк хизматларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилади. Чакана банк хизматлари ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажralиб туради, хусусан, асосий истеъмолчилар сифатида жисмоний шахслар майдонга чиқади, операциялар ҳажми кичик бўлсада, корпоратив банк хизматларига нисбатан харажатлар юқоригоқ бўлади, хизматлар шахсий талабларни қондиришга йўналтирилган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, умуман электрон банкинг, FinTechs ва хусусан чакана банк хизматларининг рақамлашиб бориши банклар ва мижозлар учун катта аҳамиятга эга. Банклар учун:

- бозор (мижозлар) кўламини кенгайтиради;
- хизмат турларини диверсификациялашда иштирок этади;
- даромад миқдори ва манбаларини кўпайтиришга имкон яратади;
- фаолиятда қулайлик ва тезликни таъминлайди;
- харажатларни қисқартиради.

Мижозлар учун:

- хизмат турларидан фойдаланиш учун

танлов имкониятини кенгайтиради;

- фойдаланишда қулайлик (соддалик)ни ва тезликни оширади;
- харажатларни қисқартиради ва вақтни тежайди;
- фаолияти билан боғлиқ рискларни бошқаришда ёрдам беради;
- турли навбатларда турмасдан хизматлардан фойдаланади;
- фаолияти билан боғлиқ ҳолат ва воқеалар бўйича мълумотларга бериб боради.

Жамият учун:

- банк тизимининг ривожланишига ва глобаллашувига ёрдам беради;
- банкларнинг замонавий банк тизимига интеграциялашувини тезлаштиради;
- хизматларни амалга оширишда инсон омилини ва турли тўсиқларни камайтиради;
- кишиларга замонавий хизматлар орқали берилган имкониятлар асосий мақсад бўлган жамият тараққиётига, инсон фаровошлиги олиб келади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Akhtar, S., Irfan, M., Sarwar, A. Asma, Rashid, Q.U.A. (2019). Factors influencing individuals' intention to adopt mobile banking in China and Pakistan: The moderating role of cultural values. *Journal of Public Affairs*, 19(1), Article e1884. <https://doi.org/10.1002/pa.1884>
2. Booz-Allen and Hamilton (1997). Corporate Internet banking: A global study of potential", [http://www.bah.com/viewpoints/internet\\_banking.htm](http://www.bah.com/viewpoints/internet_banking.htm)
3. Chan, S. C. (2001). Understanding adoption and continual usage behaviour towards internet Banking services in Hong Kong (Master's thesis). Lingnan University.
4. Chloe Wang, (2015). "Financial Technology Booms as Digital Wave Hits Banks, Insurance Firms," Channel News Asia: <http://www.channelnewsasia.com/news/business/singapore/financial-technology/1875644.html>. See also Gareth Lodge, Hua Zhang, and Jacob Jegher, "IT Spending in Banking: A Global Perspective," Celent (2015): <http://celent.com/reports/it-spending-banking-global-perspective-2>.
5. David Gyori, (2016). "FinTech Is the Future Itself" in *The FinTech Book*, edited by Susanne Chishti and János Barberis (Chichester, UK: John Wiley & Sons, 2016): 265.
6. Elizabeth Daniel, (1999). "Provision of electronic banking in the UK and the Republic of Ireland", *International Journal of Bank Marketing*.
7. Heikki Karjaluoto (2002), *Electronic banking in Finland: consumer beliefs, attitudes, intentions, and behaviors* pp.15
8. Hosseini, M., Shajari, S., and Akbarabadi, M. (2020). Identifying multi-channel value co-creator groups in the banking industry. *J. Retail. Consum. Serv.* (in press). doi: 10.1016/j.jretconser.2020.102312
9. Jayawardhena, C. and Foley, P. (2000). Changes in the Banking Sector—The Case of Internet Banking in the UK. *Internet Research*, 10, 19-31. <https://doi.org/10.1108/10662240010312048>
10. Malaquias, R. F., and Hwang, Y. (2019). Mobile banking use: a comparative study with Brazilian and U.S. participants. *Int. J. Inf. Manag.* 44, 132–140. doi: 10.1016/j.ijinfomgt.2018.10.004
11. Mamadiyarov, Z. (2021). ANALYSIS OF FACTORS AFFECTING REMOTE BANKING SERVICES IN THE PROCESS OF BANK TRANSFORMATION IN UZBEKISTAN. *Financial and Credit Activity: Problems of Theory and Practice*, 1(36), 14–26. <https://doi.org/10.18371/fcaptp.v1i36.227607>
12. Mamadiyarov, Z. (2020). The Mobile banking apps and their development in commercial banks of Uzbekistan. Архив научных исследований, 1(25). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2590>
13. Marc Hochstein, (2015). "Fintech (the Word, That Is) Evolves," *American Banker* (2015): <https://www.americanbanker.com/opinion/fintech-the-word-that-is-evolves>.
14. Milind Sathye, (1999) "Adoption of Internet banking by Australian consumers: an empirical investigation", *International Journal of Bank Marketing*.
15. Nehmzow C. (1997). "The Internet will shake banking Medieval Foundations", *International Journal of Bank Marketing*
16. Schreieck, M., and Wiesche, M. (2017). "How established companies leverage it platforms for value co-creation – insights from banking," in Proceedings of the 25th European Conference on Information Systems, Guimarães.
17. Wah, L., (1999), "Banking on the Internet", *American Management Association* 88 (11), pp. 44-48
18. Zhang, T., Lu, C., and Kizildag, M. (2018). Banking "on-the-go": examining customers' adoption of mobile banking services. *Int. J. Qual. Serv. Sci.* 10, 279–295. doi: 10.1108/IJQSS-07-2017-0067
19. Zhang, J., Luximon, Y., Song, Y. (2019). The role of consumers' perceived security, perceived control, interface design features, and conscientiousness in continuous use of mobile payment services. *Sustainability*, 11(23), 6843.
20. <https://blog.griddynamics.com/redefining-the-customer-experience-in-consumer-banking/>



#### **TIJORAT BANKLARINING MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH BO'YICHA XORIJ TAJRIBASI VA UNING AMALIY AHAMIYATI**

**Togayev Salim Sobirovich -**  
Samarqand iqtisodiyot va servis  
instituti tayanch doktoranti

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss1/a6](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a6)

**Annotatsiya:** Maqolada tijorat banklarining moliyaviy barqarorligini ta'minlash borasidagi ilmiy-nazariy qarashlar va ilg'or xorij tajribasi tahlil qilingan hamda uning amaliy ahamiyatini asoslashga xizmat qiladigan tavsiyalar, xulosalar shakllantirilgan.

**Kalit so'zlar:** tijorat banki, moliyaviy barqarorlik, daromad, soffoya, aktiv, rentabellik, zaxira, kapital, passiv.